

« 5 » январ 2022 йил

Марғилон ш.

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Марғилон шаҳар «Полиграф-Пресс» масъулияти чекланган жамият босмаҳонаси номидан жамият бошлиғи Ш.Джалилов, кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталади, бир томон ва ўз Низомига асосан \_\_\_\_\_ унинг номидан \_\_\_\_\_ ўз \_\_\_\_\_ асосида фаолият юритувчи «Буюртмачи» деб аталади, иккинчи томон бўлиб, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ва «Бажарувчи»ларни бажариши лозим бўлган талабларни ифодаловчи асосий ҳужжат бўлиб, томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди.
- 1.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан «Кимегар» газетасини материалларини ўзбек тилида, ойда бир марта, 4 саҳифа, А-2 форматда, 4+1 хил рангда, газета коғозда, ёки буюртмачи талабига асосан чоп этиб тайёрлаб беришни ўз зиммасига олади.
- 1.3. «Буюртмачи» маҳсулотни қабул қилиш ва унинг ҳаққини тўлиқ ўз вақтида тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 2.1. «Буюртмачи» ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:
  - 2.1.1. Газета материалларини ўзининг компютерида тайёрлаб, жадвал бўйича ҳафтанинг Пайшанба куни соат 11:00гача газетанинг оригинал макетини чоп этиш учун интернет орқали «Бажарувчи»нинг почта қутисига ташлаш ва бу ҳақда «Бажарувчи» ни ҳабардор қилишни зиммасига олади. Бажарувчи почта қутисига келиб тушган газета оригинал макети муҳарирнинг газетани чоп этишга рухсати деб ҳисобланади.
  - 2.1.2. Газета чиқиши графигидан кечикса ёки ўзгартирилса бу ҳақда бажарувчини олдиндан ёзма равишда, факс орқали ёки бошқа йўл билан огоҳлантириш.
  - 2.1.3. Буюртмачи ўзининг топшириқларини бажариш учун сарфланиши лозим бўлган харажатлари учун тўловни тўлиқ амалга ошириш.
  - 2.1.4. Газетанинг чоп этилиши лозим бўлган ҳажм ва ададини тўлиқ кўрсатган ҳолда «Бажарувчи»га топшириқ бериш;
  - 2.1.5. Тайёр маҳсулотни ҳисоб-фактура бўйича расмийлаштирилган ҳолда, Бажарувчига тегишли ишончномани тақдим этиб қабул қилиб олиш;
- 2.2. Бажарувчи ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:
  - 2.2.1. Маҳсулотни сифатли чоп этилишини таъминлаш;
  - 2.2.2. Мазкур шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган маҳсулотни тўла ҳажмда тайёрлаб бериш;
  - 2.2.3. Бажарувчи Буюртмачининг топшириғини мазкур шартномани 2.1.1. бандида кўрсатилган жадвал асосида бажаради. Башарти «Буюртмачи» олдиндан тўловни амалга ошира олмаса «Бажарувчи» газетани чоп этишга қабул қилмасликка ҳақли.
  - 2.2.4. Буюртмачининг талабига кўра аниқланган камчиликларни яъни буюртмани ўта сифатсиз ёки нуқсон билан чоп этилган бўлса, Буюртмачи томонидан аниқланган зарар далолатномасига ҳамда газетани сифатсиз қисми кайтарилгандан сўнг, газетани сифатсиз бўлган қисмини ўз ҳисобидан қайта чоп этиш бериш;
  - 2.2.5. Буюртмачи томонидан тақдим этилган нуқсонли, сифатсиз оригинал макетларни чоп этишга қабул қилмаслик.
  - 2.2.6. Газетада кўрсатилган тираждан ташқари, тегишли юқори ташкилот ва идораларга юбориладиган 80 дона мажбурий назорат нусхаларини Буюртмачи ҳисобидан ушлаб ўз вақтида жунатиш.

### 3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1 Мазкур шартноманинг баҳоси «Бажарувчи»нинг харажатлари ва хизмат ҳаққи йиғиндисидан иборатдир.
- 3.2 Томонлар келишувига мувофиқ ҳар бир газетанинг баҳоси 2000 тиражга 1174 сўм ҚҚС 176,10сум газетани 1 сон чиқиши 2700200сўм ҚҚС билан, шундан келиб чиқиб мазкур шартноманинг нархи шартли 32402400сўм.ҚҚС билан (Ўттиз икки миллион тўрт юз икки минг тўрт юз)сўм қилиб белгиланди. Башарти газетани йил давомида тиражи ўзгарса томонлар келишувига асосан нарх қайта куриб чиқилади.
- 3.3 Буюртмачи ўзининг топшириқларини бажариш учун сарфланиши лозим бўлган харажатлари учун Бажарувчига тўловни олдиндан 100% амалга оширади.
- 3.4 Газетанинг навбатдан ташқари, байрам ва дам олиш кунлари чоп этилган сонлари учун Бажарувчининг хизмат ҳақи 10(ўн)% га кўпайтирилган миқдорда тўланади.
- 3.5 Барча тўловлар Бажарувчининг ушбу шартномада кўрсатилган ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1. Маҳсулот тайёрлаб бериш муддатларини бузган Бажарувчи Буюртмачига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тайёрлаб берилмаган маҳсулот нархининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди.
- 4.2. Тўловларни амалга ошириш муддатларини бузган Буюртмачи Бажарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, ўтказиб берилмаган сумманинг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди.
- 4.3. Мазкур шартномада белгиланмаган томонларнинг жавобгарлик чоралари амалдаги қонунчиликка асосан қўлланилади.

- 4.4. Жарима, пеня, неустойкани тўлаш, томонларнинг ушбу шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.
- 4.5. Бажарувчи газетада чоп этилаётган, босиб чиқарилаётган мақола, материалларга, техник камчиликларга ва унинг ижодий савиясига жавобгар эмас.

## 5. ФОРС-МАЖОР

- 5.1. Мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган Бажарувчи мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни:
- 5.2. Ёнгин ҳолатлари;
- 5.3. Табиий офатлар;
- 5.4. Урушлар;
- 5.5. Турли характердаги ҳарбий ҳаракатлар;
- 5.6. Махсулот чоп этиш жараёнида электр таъминотининг график асосида ўчирилиши ортдан электр тармоғида узулишларнинг юз бериши.
- 5.7. Буюртмачига боғлиқ бўлмаган фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган бошқа вазиятлар сабаб бўлган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 6.1. Мазкур шартнома бўйича келиб чиққан барча низо ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро ҳурмат асосида музокаралари орқали ҳал қилинади.
- 6.2. Музокаралар орқали ҳал этилмаган низо ва келишмовчиликлар Фарғона вилоят иқтисодий судига мурожаат қилиш орқали ҳал этилади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Мазкур шартномага киритилган барча қўшимча ва ўзгаришлар ёзма шаклда томонларнинг ваколатли шахсларининг имзоси ва муҳри бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланади. «Буюртмачи» томонидан берилган топшириқлар ва Бажарувчи тақдим этган ҳисоб-фактуралар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 7.2. Ҳар бир тараф мазкур шартномани истаган вақтида бир томонлама муддатидан илгари бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Шартномани муддатидан илгари бекор қилиш ниятида бўлган тараф иккинчи тарафни камида 1 (бир) ой ичида ёзма равишда хабардор этиши шарт.
- 7.3. Мазкур шартнома имзоланган ва томонлар муҳри босилган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабр кунигача амал қилади.
- 7.4. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга. Томонларда бир нусхадан сақланади.

## 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАР.

- 8.1. Ушбу шартноманинг тарафлари Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни бузилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

«Полиграф-Пресс» МЧЖ  
Марғилон шаҳар  
Туркистон кўча 236 «б» уй  
Тел: 237-33-57; 237-33-54  
Х/Р: 20208000200578323001  
«Асака» банк Фарғона филиали  
МФО: 00539 ИНН: 200140589  
ОКОНХ: 19400

Email: pol.press@mail.ru

Бошлиқ:  Джалилов Ш.

Адрес:

Тел :

Х/Р:

Банк:

МФО : ИНН:

ОКОНХ

Email:

Бош муҳаррир :

